O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 14 апрель, № 71 (3870) Жума



БАҲОРНИНГ БЕТАКРОР ЛАҲЗАЛАРИ





Самарқанд ер юзининг сайқалидир, дейилганида нафақат шаҳарга кўрк ва салобат бағишлаб турган иморатлар, минора-ю мадрасалар, балки унинг меҳнаткаш, оқил одамлари, назокатли аёлларию, фаришта янглиғ гўдаклари-да назарда тутилган бўлса, не ажаб. Бу йилги кўклам Самарқандга янада файз ва тароват олиб келди. Наврўз айёми арафасида келинчаклар кўҳна ва ҳамиша навқирон Регистон майдонига гуллар қўйиб, тупроқларини тавоф этдилар. Боғлар, улуғ қадамжоларнинг ҳовлиси болаларнинг шодон қийқириқларига тўлди. Асл меҳнаткаш самарқандликлар шаҳар ободончилиги йўлидаги фидойиликларини бошлаб юборишди. Қалдирғочлар уларнинг айвонларига ин қура бошлади.

Хуллас, меҳнат, ёшлик, яшариш аёйми — Наврўз ана шундай нишонланди Самарқанди азимда. ЎзА фотомухбири Тоҳир Норқулов ана шундай лаҳзаларни муҳрлашга ҳам улгуролди.

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ СЕМИНАР

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида ихтисослаштирилган тиббиёт муассасалари мутахассислари учун касалликларнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволашда фойдаланиладиган услубий қўлланмалар яратиш масалаларига бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Унда тиббиёт йўналишидаги илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртлари олимлари ҳамда шифокорлар иштирок этди.

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳузуридаги далилларга асосланган тиббиёт маркази директори, профессор Д.Асадов анжуманни очар экан, мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида тиббиёт тизимида изчиллик билан олиб борилаётган ислоҳотлар аҳоли саломатлигини муҳофазалаш, халқимизга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш, соғлиқни сақлаш тизими моддий-техника базасини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидлади.

Бу борада Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳузурида қарийб икки йилдан буён иш олиб бораётган далилларга асосланган тиббиёт маркази фаолияти йўлга қўйилгани ҳам ўз самарасини бераётир. Кўзланган мақсад соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотларни янада такомиллаштириш, касалликларнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволашнинг самарали усулларини ҳаётга кенг татбиқ этиш, жаҳон тиббиёти ва илм-фанининг бу борадаги ютуқларидан оқилона фойдаланишни таъминлашдан иборат.

Ўтган даврда марказ мутахассислари ушбу йўналишда кардиолог, эндокринолог, офтальмолог, гематолог олимлар, тегишли давлат ва халқаро ташкилотлар мутахассислари билан ҳамкорликда анемия ва гипертония, яъни камқонлик ва хафақон хасталикларини даволаш бўйича тегишли услубий қўлланмалар ишлаб чиқди.

Семинарда далилларга асосланган тиббиётнинг асосий тамойиллари ва тиббий хизмат кўрсатиш сифатини оширишдаги ўрни, бу борадаги услубий қўлланмаларни яратишда эътибор талаб этиладиган жиҳатлар ва галдаги вазифаларга бағишланган маърузалар тингланди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Миллат саломатлигига дахлдор масала

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасида Ўзбекистонда йод танқислиги ҳолати ва унинг олдини олиш истиқболларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда қуйи палата депутатлари, тегишли вазирлик, ташкилотлар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, йод танқислиги ҳолатлари дунёда энг кўп учрайдиган касалликлар сирасига кириб, бугунги кунда дунё аҳолисининг учдан бир қисми ундан азоб чекади. Ер куррасида яшаётган аҳолининг 2 млрд.га яқини эса йодланган маҳсулотларни етарли даражада истеъмол қилмаяпти. Мутахассисларнинг фикрича, йод озиқ-овқат маҳсулотлари орқали етарли миқдорда қабул қилинмаса, қалқонсимон безнинг гормонлар ишлаб чиқиши бузилади ҳамда инсоннинг нафақат жисмоний, балки, ақлий фаолияти ҳам сусаяди. Бу, ўз ўрнида, миллат ақлий салоҳиятига путур етказади, оналар ва болалар ўлими ошишига сабаб бўлади.

Тадбирда сўнгги ўн йилликда йод танқислиги ҳолатларининг олдини олиш муаммоларига бағишланган бир қанча дастурлар ишлаб чиқилгани ва дунёнинг ривожланган мамлакатларида муваффақият билан қўлланилаётгани айтиб ўтилди. Хусусан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Осиё Тараққиёт банки томонидан оналар ва болалар ўртасида йод етишмовчилигининг олдини олиш мақсадида ажратилган маблағлар ҳисобидан фаолият юритаётган грант лойиҳасининг ижрочиси сифатида туркум ишларни амалга оширмоқда.

Парламент қуйи палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этган давра суҳбатида ҳозирда мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизи ушбу муаммоси тўқнаш келаётгани айтиб ўтилди. Шу боис, сўзга чиққанлар йод танқислиги муаммоси озиқ-овқат маҳсулотларини йод билан бойитиш, тегишли меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиш, жамоатчилик эътиборини ушбу муаммога жалб этиш орқали бартараф этилиши лозимлигини таъкидлашди. Энг асосийси, "Аҳоли орасида йод танқислиги ҳолатларининг олдини олиш тўғрисида" Қонун қабул қилиш зарурати иштирокчилар томонидан алоҳида таъкидланди.

Зиёда АШУРОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Долзарб мавзу

Тушунганда ижро енгил кўчади

Мақсад

Президентимизнинг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 308-қарори бир қарашда мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашга қаратилгандай туюлиши мумкин. Агар қарор бандлари билан синчиклаб танишиб чиқсангиз, масала ниҳоятда кенг кўламни қамраб олганига ишонч ҳосил қиласиз.

Мустақиллик йилларида бозор муносабатларига ўтишнинг Президентимиз яратган беш тамойилдан бири — аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш чинакам ҳаётий эҳтиёжлардан келиб чиққанлигини вақт кўрсатди. Агар мазкур тамойил бўйича кам таъминланган, ёрдамга муҳтож кишилар давлат томонидан нафақа пуллари билан таъминланишса, 308-қарорни ўшандай ҳимоянинг янада такомиллашган, келажакни кўзловчи босқичи дейиш ўринлидир.

Шу ўринда бир муқояса. Агар сиз бировга балиқ инъом қилсангиз, берган неъматингизни пиширади, сўнг еб тугатади. Бордию доно йўл тутиб, қармоқ совға қилсангиз, кўплаб балиқ овлашга имкон яратасиз. 308-қарор амалга оширилса, шу пайтгача чорва молларини олишга қурби етмаган оилалар ҳам давлат кўмагида молҳолли бўлади, асл мақсадни тушунганидан кейин ўзи ҳам ҳаракатга тушади. Мазкур қарор ижроси йўлида жорий йилнинг ўзида 21.600 та оилага бепул сигир берилиши кўзда тутилган. Бузоқ эмас, буқа эмас, айнан сигир. Чунки хонадонида сигир асраган оилада сут-қатиқ мўл бўлади. Бундай маҳсулот бисёрлиги ёш авлоднинг соғлом-дуркун ўсишини таъминлайди. Шу билан бирга сигир йил сайин насл бериб, рўзғорга барака киритади.

Юртбошимиз қарори бевосита халқ турмуш тарзига дахлдор бўлса-да, уни турмушга татбиқ этишда давлат тузилмалари зиммасига жуда масъулиятли вазифалар юклайди. Аввало, белгиланган дастурнинг тасдиқланган параметрлари сўзсиз бажарилишини таъминлаш учун шахсий масъулият қишлоқ ва сув хўжалиги вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари зиммасига юкланган. Айни пайтда аҳолига имтиёзли микрокредитлар ажратиш, чорва молларига омухта ем етказиш, наслли моллар салмоғини кўпайтириш, шахсий ва деҳқон хўжалигида чорва билан банд аҳолига меҳнат дафтарчалари бериш каби кенг қамровли юмушлар борки, бунда ҳам давлат ва жамоат ташкилотларининг фаоллиги талаб қилинади. Қарорда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Иқтисодиёт, Адлия, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, тижорат банклари, «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси, наслчилик чорвачилик корхоналари, ветеринария хизмати тизимларига аниқ вазифалар белгилаб берилган.

Вазифа

Ҳамиша бўлганидек, ушбу қарор ижросида адолат, ошкоралик тамойилларига амал қилиш муҳим шартдир. Оилаларга бепул сигир бериш, имтиёзли микрокредит ажратиш каби моддий манфаатдорлик устувор аҳамият касб этган ҳолатларда салгина адолатсизлик ҳам давлат сиёсатига соя солиши мумкин. Бунга асло йўл қўйиб бўлмайди. Айнан эл-юрт кўз олдида амалга ошириладиган ишларда «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, «Камолот» ижтимоий-сиёсий ҳаракатининг иштироки муҳимдир.

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури доирасида аҳолига бепул сигир бериш ҳар томонлама ўйлаб, ҳисоб-китоб қилиб иш кўришни тақозо этади. Кам таъминланган оила қорамол боқишга шароити борми?Хонадонда чорва қаровига кўмаклашувчи фарзандлар ўсяптими? Айтайлик, ёрдамга муҳтож экан деб ногирон одамга сигир бериб бўлмайди. Ҳомийлар берган сигирни олган оила давлат сиёсатини тушуниб, чорвани кўпайтириш йўлидан борадими ёки эртага сигирни сўйиб сотадими? Бу жиҳатларни аниқлашда ва адолатли ечимга келишда маҳалла фаолларининг ўрни алоҳидадир.

Президент қарори эълон қилинганидан буён ўтган даврда аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг бу шакли бошқа мамлакатларда қиёси йўқлиги қайд қилинмоқда. Айни пайтда бу ғамхўрлиқ халқ томонидан катта миннатдорчилик билан кутиб олинди.

Келинг, шу ўринда Андижон вилоят ҳокими Ўринбосари Ш. Иброҳимовнинг сўзларига эътибор қилайлик: «Вилоятимиз маҳаллаларида бирор хонадон янги машина сотиб олганда қандай хурсандчилик бўлса, бепул сигир олган оилада ҳам шундай воқеа ҳукмрон». Дарҳақиқат, қишлоқда рўзғорни юритишда чорванинг ўрни беқиёс.

Эл бойиса — давлатнинг бойигани. Президент қарорини сўзсиз бажариш ҳамма-ҳаммадан уюшқоқлик билан ишлашни, ўзаро тушунишни тақозо этади. Айтайлик, аҳоли ихтиёрида чорва моллари кўпайгандан кейин қўшимча зооветеринария пунктлари, сунъий уруғлантириш жойлари, кушхоналар очишга тўғри келади. Булар бари қарорда белгиланган. Лекин ўша корхоналар қайси жойларда ташкил қилинади? Маълумки, Президентнинг 215 ва 255-қарорларига асосан 666 та ширкат хўжалиги тугатилди. Демак, шунча хўжаликка тегишли идора бинолари бўшади. Мазкур масала муҳокама қилинган ҳукумат мажлисида ўша биноларни аҳоли эҳтиёжига хизмат қилиш учун балансдан балансга ўтказиш топшириғи берилди.

Эътибор

Муайян вазифани амалга ошириш жараёнида ҳал этилиши керак бўлган масалалар пайдо бўлиши табиий. Шундай ҳолатларда жойлардаги раҳбар ва мутахассислар ташаббусни қўлга олиб ишлашлари муҳим. Айтайлик, жойларда кушхоналар камайиб кетганлиги учун сўйилган моллар териси бир жойда қабул қилинмаяпти. Оқибатда тери дуч келган харидорга, баъзан четга арзон-гаровга сотилмоқда. Бизнинг хомашё ҳисобига бошқа жойларда аҳоли иш билан таъминланяпти.

Яна бир гап. Самарқандда чорва моллари наслчилиги бўйича илмий мактаб яратилган. Фақат ўша ердаги олимлар тажрибасидан бошқа вилоятларда ҳам кенг фойдаланиш кўпчиликнинг хаёлига келмаяпти. Ахир маҳсулдорликни оширишда мол наслининг аҳамияти катта эканлигини ҳамма билади-ку. Бу масалага ҳукумат миқёсида эътибор берилгани айни муддао бўлди.

Ҳа, тушунган одамнинг садағаси кетсанг арзийди. Ушбу қарор мақсад-моҳиятини тўғри тушунсак, уни амалга ошириш енгил кўчиши аниқ.

Ш. ЖАББОРОВ.

ТУЛУЗАДА ЎЗБЕКИСТОН ТАҚДИМОТИ

Франциянинг Тулуза шаҳридаги «Крус» Минтақавий университетлар маркази ташкилотида Марказий Осиё кунлари бўлиб ўтди. Тадбир доирасида Тулуза университетларида таълим олаётган ўзбекистонлик талабалар билан ҳамкорликда ташкиллаштирилган Ўзбекистон тақдимоти ўтказилди.

Маросим чоғида ўзбек халқ ҳунармандчилиги маҳсулотлари кўргазмаси, мамлакатимизнинг иқтисодиёт соҳасида эришган ютуқлари ва мавжуд имкониятларини акс эттирувчи турли материаллар, фотосуратлар, юртимизнинг сайёҳлик салоҳиятига бағишланган видеофильмлар намойиш этилди.

«Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан учрашувда унинг иштирокчилари ўз таассуротлари билан қуйидагича ўртоқлашдилар:

— Шаҳримиз олий ўқув юртларида ўн нафар ўзбекистонлик талаба таҳсил олмоқда, — деди «Крус» ташкилотининг маданий ва халқаро муносабатлар бўлими бошлиғи Франсуаза Лаво. — Кечамиз ана шу талабалар билан ҳамкорликда ташкиллаштирилди. Айтишим керакки, юртингиз талабалари маросимга жуда пухта тайёргарлик кўрди. Биз мана шу кичкина маросим давомида Ўзбекистон ҳақида кўп маълумот олишга ва юртингиз тўғрисида муайян тасаввур ҳосил қилишга муваффақ бўлдик.

— Мен асли Буркина Фасоданман, — деди Тулуза талабалар шаҳарчаси техник директори Эмиль Дюдокс. — Бугун намойиш этилаётган халқ ҳунармандчилиги буюмлари, ижро этилган куй ва қўшиқлар мени юртингизга чорлади. Ўзбекистонлик дўстларимиз томонидан ўтказилган ушбу ажойиб кеча мамлакатингиз ер юзидаги гўзал мамлакатлардан бири эканини яққол намоён этди.

— Тулуза университетида 35 мингга яқин талаба таҳсил олади. Ҳар йили олий ўқув юртимизга 3 мингдан зиёд хорижлик талаба қабул қилинади, — дея суҳбатимизга қўшилди университетнинг ўқув масалалари бўйича проректори Фредерик Фейзи. — Биз Ўзбекистон Миллий университети билан ҳамкорлик ўрнатганмиз ва унинг доирасида талабалар алмашувини йўлга қўйганмиз. Юртингиз ўғил-қизлари ҳақида гап кетганда, мен уларнинг билимга чанқоқлиги, ҳаракатчанлиги ва университет жамоаси ҳамда ўз курсдошлари билан доимо яхши алоқа қилиб, улар орасида ҳурмат-эътибор орттираётганини таъкидлашни истар эдим. Аминманки, улар бизда олган билимларидан ўз Ватани равнақи йўлида фойдаланадилар.

Ғайрат ШУКУРОВ,
«Жаҳон» АА мухбири.
Париж.

Электр энергияси оқимлари



Ўзбекистоннинг Евросиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлиб кириши мамлакатимизнинг ушбу ҳамжамиятга аъзо давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришда, турли соҳалар, хусусан, электроэнергетика йўналишида ҳам интеграциялашув жараёнини тезлаштиришда янги истиқболларни очди.

Агар Ўзбекистоннинг асосий электр тармоқлари схема-харитасига разм солсангиз, мамлакатимизнинг электр тизими нақадар мураккаблигини, бугунги кунда иқтисодиётнинг барча соҳаларининг бир маромда фаолият юритиши ва аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлаш учун унинг барқарор ишлаши қанчалик муҳим эканлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Шу билан бирга, Ўзбекистон энергия тизими (унда Марказий Осиё Бирлашган энерготизими қувватининг ярми жамланган) мазкур тизимнинг узлуксиз ишлашида қанчалик муҳим роль ўйнаши яққол кўзга ташланади.

— Марказий Осиё Бирлашган энерготизими бир маромда фаолият юритиши барча энергия тизимларининг параллел равишда ишлашига боғлиқ ва бунда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ҳамда Тожикистон давлатлари энергетика тизимининг ҳамқадам тарзда ишлашини муфовиқлаштириб турувчи «Энергия» бирлашган диспетчерлик марказининг ўрни беқиёс, — дейди «Ўзбекэнерго» Давлат акциядорлик компанияси Миллий диспетчерлик маркази раҳбари Ҳамидулла Шамсиев. — Қўшни давлатлардаги ҳамкасбларимиз билан биргаликда ва жипсликда ишлашимиз фаолиятимиз давомида юзага келадиган муаммоларни тезкор ҳал этишда ҳамда мураккаб вазиятлардан чиқиб кетишимизда катта имконият яратмоқда.

Ҳар қандай мураккаб хўжаликда бўлгани каби, ҳар бир мамлакатнинг энергия тизимида ҳам ўзига яраша муаммолар бор. Агар ушбу бирлашган энергия тизимда ҳамма фақат миллий манфаатларидан келиб чиқиб иш тутса, мураккаб муаммолар янада кўпаяди.

Мисол учун, Тожикистоннинг учинчи бир давлатга электр энергиясини экспорт қилиш хоҳишини олиб кўрайлик. Тожикистонлик мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, мазкур мамлакат ёзги мавсумда 1-1,5 миллиард киловатт-соат электр энергия экспорт қилиш имкониятига эга.

—Тожикистоннинг электр энергиясини экспорт қилишга интилишини тушуниш мумкин, — дея изоҳлайди Ҳамидулла Омонович. — Аммо биргина интилишнинг ўзи кифоя эмас. Бу ўринда кўп ҳолатларни ҳисобга олиш лозим.

Тожикистонда электр энергиясининг асосий қисми мамлакатнинг жанубида, Вахш дарёсида жойлашган гидроэлектростанцияларда ишлаб чиқарилади. Нурек сув омборидаги сув захираси кузги-қишки мавсумда эҳтиёжни тўлиқ қондирмайди, шунинг учун октябрнинг бошидан то апрель ойига қадар Тожикистон бўйлаб электр энергияси истеъмоли бўйича қатъий режим ўрнатилади. Ҳатто кўплаб объектларга электр энергия бериш тўхтатилишгача борилади. Нурек ГЭСининг доимий ишлаб туришини таъминлаш ва юқоридаги чеклашлар ҳажмини камайтириш учун минтақа энергия тизими куз-қиш даврида Тожикистонга электр энергиясини узатади. Бу электр энергиянинг асосий қисмини ҳар йили ҳукуматлар ўртасида имзоланадиган битимлар доирасида Ўзбекистон энерготизими етказиб беради. Тожикистондаги ГЭСлар ишлаб чиқарадиган электр энергиялари миқдори йиллик ёғин миқдорига, яъни сув захираларига боғлиқ.

Гидрометеорологларнинг башоратига асосланиб, мутахассислар берган маълумотларни эътиборга оладиган бўлсак, жорий йилнинг ёз мавсумида Тожикистондаги ўз истеъмолидан ортиқча ишлаб чиқариладиган электр энергия миқдори 900 миллион киловатт-соатни ташкил этади. Тожикистондан электр энергиясини экспорт қилиш имконияти, афтидан, анча ошириб кўрсатилган. Бундан ташқари, ҳисоб-китобларга қараганда, жорий йилда Нурек сув омбори охиригача тўлмаслиги хавфи бор.

Лекин бу — муаммонинг бир томони. Ўзбекистон энерготизими орқали электр энергияси транзити ҳақида гапирилганда, ушбу масаланинг техник жиҳатини ҳам эътиборга олиш зарур.

Ёз пайтларида Тожикистон электр энергиясини учинчи мамлакатга Ўзбекистон электр тармоқлари орқали сотиш бўйича таклиф қилинаётган вариант амалга ошса, у биз истамаган, лекин келиб чиқиши мумкин бўлган нохуш оқибатларга олиб келиши мумкин.

Тожикистоннинг Регар подстанцияси ва Ўзбекистоннинг Ғузор подстанцияси ўртасида битта 500 киловольтлик линия бор. У Тожикистоннинг асосий электр манбалари жойлашган жанубий қисмини ягона энерготизимга боғлаб туради. Ёз пайтларида, Тожикистондан Ўзбекистонга электр энергияси етказиб берилган вақтда, бу транзит линия, маромга яқин, оғир режимда ишлайди. Электр энергия транзити туфайли таъминот олиши ушбу линиядаги электр энергиянинг технологик йўқолишини оширади, туташ ҳудудларда кучланиш миқдорини пасайтиради, жиҳозларнинг ишдан чиқишини тезлаштиради, ушбу транзит алоқаси ва бутун энерготизим иши мустаҳкамлигига путур етказади.

Булар бари Ўзбекистон энерготизимининг Самарқанд — Бухоро қисми аварияга қарши автоматикасининг ишга тушиши имкониятини кўп маротаба оширади, категорияли истеъмолчилар, жумладан ер суғорадиган насос станцияларида иш тўхтаб қолишига олиб келади. Бу эса иссиқ ёз шароитида кутилмаган оқибатларга сабаб бўлиши мумкин. Бундан ташқари, юқоридаги линиянинг аварияси бизнинг электр тизимимизни Қозоғистон ягона энергия тизими ва Россия ягона энергия тизими билан мунтазам алоқаси бузилишига, ҳатто бутун Марказий Осиё бирлашган энерготизимининг ўчиб қолишига олиб келиши мумкин.

Хуллас, Ўзбекистон энергия тизими орқали Тожикистоннинг электр энергиясини учинчи мамлакатга узатиш жараёнида бир қанча қийинчиликлар пайдо бўлади. Шу ўринда, бунинг мамлакатимиз ва қўшни давлатлар энерготизимининг мунтазам ишлашига халақит берадиган салбий оқибатлари ҳақида эса гапириб ўтирмаса ҳам бўлади.

Бундай масалаларни ҳар томонлама техник нуқтаи назардан кўриб чиқишга ўрганган ва ўз мамлакати ҳамда бутун энерготизимни мунтазам электр энергияси билан таъминлаш масъулиятини чуқур ҳис қиладиган ўзбекистонлик энергетиклар, мутахассисларнинг мулоҳаза ва қарашлари шулардан иборат.

Собир АЛИЕВ.

Сабоқ

Қумқўрғондаги «Мустақиллик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдуманнап Эшматовни одамлар қисқа қилиб «маҳалла» деб аташар экан. Эшматов ўзининг ўрта махсус маълумотли мутахассис эканлигини, маҳалласида 3000 нафар одам, 520 та хонадон борлигини, ўз ҳудудидаги мактаблар, дўконлар, этикдўзу сартарошлар, тегирмону бозорлар гуриллаб ишлаб турганини ҳикоя қила кетди.

— Ҳозир бўлса ҳокимликнинг мажлисидан қайтдик, — деди у бу ишдан мамнунлигини намойиш қилгандай бўлиб. — Мажлисда пилла масаласи кўрилди. Пилла қуртини боқувчи пудратчиларнинг уй шароитлари билан танишмоғимиз, улар билан суҳбат ўтказиб чиқмоғимиз лозим экан.

«Маҳалла»

— Пудратчилар ўтган йилги пилланинг пулини олишибдими?, — деб сўраймиз.

— Билмадим. Олишгандир, — дейди Эшматов.

— Пилланинг бу йилги нархлари қанчадан бўлармиш.

— Айтишмади-ёв...

— Маҳаллангизда неча туп тут бор. Бу йил қанча тут кўчати қадалди?

— Тутлар ўсаяпти. Кўчатлар ҳам қадалди. Пилла қурти қўлдан-қўлга тегмай тарқаб кетади. Бу соҳа ривожланиб бораяпти, — дейди Эшматов.

— Маҳаллангизда ишга яроқли одам қанча? — деб сўрайди ҳамсуҳбатларимиздан бири, маҳалла ҳудудидаги касб-ҳунар коллежи директори Хушбоқ Худойназаров.

— Бизда ишсизлар йўқ, — дейди Эшматов, «Бу саволдан муддао нималигини тушундим», дегандай кулиб қўйиб. — Ҳамма далада. Айниқса, пахта йиғим-терими мавсумида...

— Касаначилик ҳам борми?..

— Бўлиши керак, — дейди Эшматов елкаларига қараниб олиб. — Ана, учта ҳомий, учта кам таъминланган оилага — Шукуров Норқувват, Улабоева Жанғил ва Хўжақулов Муҳаммадиларнинг рўзғорларига биттадан қорамол бераяпти. Ўша оилалар ҳам энди касаначи ҳисобланади.

— Хонадонларда, умуман, неча қорамол, неча қўй боқиляпти? — деб яна сўраймиз Эшматовдан.

Эшматов, «Шуям савол бўлдию» дегандай ғалати қараш қилади.

— Ҳали неча товуқ, неча ўрдак боқиляпти деб ҳам сўрарсиз, — дейди.

— Йўқ, олдин сигирлар сонини айтинг, — деймиз.

Эшматов айтолмайди.

— Маҳаллангизда аълочи ўқувчилар, спорт усталари бордир...

— Бор. Ана, каттакон стадионимиз бор. Болалар ўйнашади.

— Ўша стадион айрим пайтлари мол бозорига айланармиш.

— Шунақасиям бўп туради. Қишлоқчилик...

— Ҳаммом-чи?

— Сотиб юборилган. Ишламайди.

— «Маҳалла» бўлиб нима ишларни қилдингиз? — деб сўрайди яна ҳамкасбим.

Бу гапни Эшматов эшитмаганга олади. Соатга қараган бўлади.

— Мен борай, пилла боқувчилар билан тушунтириш суҳбатларини ўтказишим лозим, — деб ўрнидан қўзғалади.

Олимжон УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЖИПСЛИК — жамиятга қудрат

Юртбошимизнинг Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлисидаги маърузасида илгари сурилган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, уларни амалга ошириш нафақат амалиётчилар, балки илмий ходимлар, хусусан, ижтимоий-гуманитар фан вакиллари олдига ҳам долзарб вазифаларни қўяди. Шу маънода парламент соҳасидаги амалий тажрибага суянган ҳолда мамлакатимиздаги парламентаризм билан боғлиқ ислоҳотларни мушоҳада қилиб, депутат ва сенаторнинг жамиятдаги ўрни ва роли ҳақидаги айрим мулоҳазаларни билдиришни лозим топдик.

Менда таклиф бор

Аввало, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатларининг ўз сайловчилари олдидаги масъулияти хусусида тўхталадиган бўлсак, таъкидлаш жоизки, бугунги маҳаллий Кенгашлар депутатлари ўз сайловчисининг дарду ғамига, ташвишига шерик, унинг муаммоларини ечишда камарбаста шахсдир. Шу боис ҳам жойларда депутатлар фаолиятини янада такомиллаштиришга катта эътибор бериляпти.

Биргина мисол. Сайловдан кейинги ўтган бир йил вақт мобайнида Наманган вилоятида қатор йиғилишлар ўтказилди. Унда депутатлар ва сенаторлар ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга оид масалалар муҳокама қилинди. Жойларда ўтказилган учрашувларда халқ сайлаган депутатларнинг минтақавий муаммоларни ҳал қилишдаги иштироки, уларнинг масъулияти хусусида сўз юритдилар.

Маълумки, Сенат тўғрисидаги Конституциявий Қонунга кўра, юқори палата таркибини вилоят, туман, шаҳар кенгашларига сайланган депутатларнинг вакиллари ташкил қилади. Айни чоғда сайланган сенаторлар, ўз навбатида, у ёки бу маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳамдир. Шу боис, сенаторларни сайлаганимизда ҳар бир юқори палата аъзосида ўзи яшайдиган минтақадаги аҳволни яхши билиши, унинг имкониятлари ва муаммолари ҳақида етарлича тасаввурга эга бўлиши, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган кишилар фазилатлари мужассам бўлишига эришишга эътибор берилишида ҳам шу маъно бор эди. Демак, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ўзлари сайланган сенаторлар орқали билвосита қонунлар қабул қилишда, улар ижросини назорат этишда ҳам қатнашадилар.

Бизга яхши маълумки, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мамлакатимиз миқёсидаги мавжуд муаммоларни ҳал қилишга қаратилган умумдавлат Дастурлари (ижтимоий, маънавий, иқтисодий соҳаларда) мавжуд. Ана шу ҳужжатларга мувофиқ, вилоят, шаҳар, туман миқёсида амалга оширладиган Дастурлар ҳам қабул қилинган. Ҳар бир депутат ана шу дастурларни ўз ўрни ва ваколати доирасида амалга ошириш учун жавобгар эканини сезиб туриши бугунги куннинг долзарб талабидир.

Ўзбекистонда янгича сиёсий тизимнинг қарор топиши табиий суръатда парламентнинг юқори палатасида умумдавлат ва ҳудудлар манфаатлари уйғунлашган ҳолда қонун ва қарорлар қабул қилишнинг самарали механизмини ташкиллаштиришни тақозо этади. Парламент процедураси доирасида эса сиёсий қарорлар қабул қилиш бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, депутат фаолиятини такомиллаштириш, Олий Мажлис Сенати ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари фаолияти ҳамкорлиги хусусида қуйидаги таклифларни билдирмоқчимиз.

Давлатимиз раҳбари томонидан қўйилган вазифадан келиб чиқиб, бизнингча, парламент процедураси доирасида Қонунчилик палатаси томонидан барча тақдим қилинган у ёки бу қонун ҳужжатларини Сенат қўмиталарида дастлабки кўриб чиқиш жараёнида жойларда маҳаллий кенгашлар депутатлари билан муҳокама этиш амалиётини жорий қилиш фойдалидир. Бу билан маҳаллий кенгашлар депутатлари нафақат Сенатни шакллантиришда, балки қонунчилик жараёнида ҳам бевосита иштирок этади. Қабул қилинган қонунлар мазмун-моҳиятидан тўла хабардор бўлади, уни сайловчиларга, аҳолига тушунтиришда янада фаоллик кўрсатади. Дарҳақиқат, қонунлар мағзини жойларга етказишда камчиликлар мавжуд. Шу муносабат билан Сенат аъзолари ва маҳаллий Кенгашлар депутатлар фаолиятини мувофиқлаштиришнинг изчил механизмини яратиш мақсадида Сенатнинг ҳар бир ялпи мажлисидан сўнг ойнинг маълум кунида "Депутатлар ва сенаторлар куни"ни ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Шу куни ҳар бир сенатор, депутат сайловчиларни ўз округида қабул қилади, округ, ҳудуд, маҳалла аҳолиси кўтарган ижтимоий муаммоларни ўрганади, бу муаммоларни ваколатли органлар билан жойида ҳал қилиш чорасини кўради. Ўшанда «Депутатимизни сайлов пайтида бир кўрган эдик, холос» деган гапларга ўрин қолмайди. Қолаверса, сенатор ва маҳаллий ҳокимликлар депутатлар орқали жойлардаги аҳолининг таклифларидан, муаммоларидан хабардор бўлиб турадилар.

Сенат фаолиятига қизиқиш аҳоли ўртасида, хусусан, ёшлар ўртасида жуда катта. Ҳозирда кўплаб магистрантлар, диссертантлар Олий Мажлисимиз фаолияти ҳақида, замонавий парламентчилик тарихи, икки палатали парламентнинг афзалликлари ҳақида илмий тадқиқотлар олиб боришяпти. Кенг маънода олганда, булар етарли эмас. Шунинг учун Сенат ялпи мажлислари ҳақида муфассал ахборот берилса бўларди. Бу билан халқимиз учун замонавий парламентимиз, сенатор ва депутатлар фаолияти ҳақида тўлароқ тушунча ҳосил қилишга имкон яратилган бўларди.

Турсунбой ФАЙЗУЛЛАЕВ,
сиёсий фанлар доктори.
Наманган вилояти.

Жиззахда шифер ишлаб чиқарадиган корхона — «Шарқ юлдузи» ўз фаолиятини бошлади.

Хитой Халқ Республикасида тайёрланган «XSW — Z40» русумли ускунада маҳаллий ходимлар ҳозирча соатига 100 донадан шифер ишлаб чиқаришга муваффақ бўлмоқдалар.

Шифер ишлаб чиқарилаяпти

Корхонани фойдаланишга топшириш учун мутасадди бўлган хитойлик мутахассис Явуман Лининг фикрича, ишчи-хизматчиларнинг малакаси ошгач, бу кўрсаткич камида 1,5 баробар ошади. Келгусида 2 сменада иш ташкил этилса, кунига 2 мингта шифер чиқариш имконияти туғилади.

Корхона фақат маҳаллий хомашёдан фойдаланишга қарор қилди. Фақат асбест четдан келтирилади. Шу боис маҳсулотнинг таннархи анча арзон. Шиферни эни бирмунча кичикроқлиги ортиб-тушириш, ташишда қулайликни таъминлайди.

Шаҳарнинг саноат ҳудудидаги фойдаланилмай турган бинода ташкил этилган корхонада иш билан таъминланганлар сони яқинда 50 нафарга етади.

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ҚУЙИ ЧИРЧИҚНИНГ ЮҚОРИ НАТИЖАЛАРИ

Қуйи Чирчиқ туманида пахта ва ғалла билан бирга пилла, шоли, каноп ва балиқ маҳсулотлари етиштирилади. Туманда пахтачилик етакчи тармоқ. Афсуски, аввалги йиллари бу борадаги шартнома мажбуриятлари сурункасига уддаланмагани иқтисодиётга салбий таъсир кўрсатди.

Қолоқликка барҳам бериш мақсадида тармоқда амалга оширилаётган ислоҳотларга эътибор қаратилгани, ниҳоят, ўз самарасини берди: ўтган йили пахта тайёрлаш бўйича шартнома режаси вилоятда иккинчи бўлиб бажарилиб, давлатга 38 минг 390 тонна хомашё сотилди. Бу 2004 йилдагига нисбатан тўққиз минг тонна кўп эди. Йил якунида 2,5 миллиард сўмга яқин соф фойда олинганлиги қайд қилинди.

Эришилган ютуқларда, табиийки, фермер хўжаликларининг ҳиссаси катта бўлди.

— Қишлоқ хўжалигида узоқ йиллар ишлаган бўлсам-да, — дейди "Исроил" фермер хўжалиги раҳбари Нормат Турагалов, — янги хўжалик субъектини юритишда дастлабки йиллари қийинчиликларга дуч келдик. Лекин аста-секин уларни енгиб ўтдик. Хусусан, техника ва минерал ўғитлар етишмасди. Мавжуд 96 гектар майдондан йилига мўлжалдагидан зиёд пахта ва ғалла етиштириш ҳисобига бир неча техника воситаларини сотиб олдик. Минерал ўғитлар таъминотида эса ўтган икки йилда кескин ижобий ўзгариш рўй берди. Маблағимиз етарли. Жамоа аъзолари иш ҳақларини ҳар ойда олишмоқда.

Бундай ижобий ҳолатни ҳар йили шартнома режасини зўрға ярмидан ошириб бажариб, аро йўлда қолиб кетаётган собиқ "Пахтачи" ширкат хўжалиги ўрнида ташкил этилган 64 та фермер хўжалиги фаолияти мисолида ҳам кузатиш мумкин. Ер ўзининг ҳақиқий эгасини топгач, натижа кутилганидан ҳам зиёд бўлди. Мавжуд майдондан жами 3340 тонна пахта тайёрланиб, давлат буюртмаси ортиғи билан адо этилди. Энг муҳими, фермерларнинг ҳисоб рақамига барака кирди.

— Ҳозир мавжуд экин майдонларининг қарийб 75 фоизи фермерлар ихтиёрида, — дейди туман ҳокими Рустам Холматов. — Ернинг ҳақиқий эгалари асл мақсадни кўзлаб ишлаётганлиги сабабли, ҳосилдорлик кўпайиб, қувончли натижалар қўлга киритилаяпти. Даромаднинг кўпайиши имкониятлар уфқини кенгайтирмоқда. Фермерларнинг унумли ишлаши учун муносиб инфратузилма яратилаяпти. Хусусан, айни пайтда 11 та машина-трактор парки, 8 та ёнилғи-мойлаш, 9 та минерал ўғитлар тарқатадиган шохобча, 3 та мини банк мавжуд. Буларнинг ҳаммаси эндиликда фермернинг бирор-бир юмуш билан ўнлаб чақирим йўл босишига ҳожат қолдирмаяпти. Чунки инфратузилма вакиллари ўз хизматларини

Ислоҳот ва самара

жойларга бориб, тавсия этишмоқда. Табиийки, бундай шарт-шароит деҳқонларни янада унумли меҳнат қилишга ундаяпти.

Ўтган йил якунларига кўра, туманда зарар кўриб ишлаётган, рентабеллик даражаси паст ва истиқболсиз олтита ширкат хўжалиги тугатилиб, уларнинг ўрнида 200 та фермер хўжалиги ташкил этилди. Ҳозирда эса фермерларнинг сони 513 тага етди. Пировард натижадан манфаатдор эканлигини сезган мулк эгалари юқори кўрсаткичларни қўлга киритишмоқда.

Бундан ташқари, ўтган йили Дўстобод қўрғони ва "Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллиги" тажриба хўжалигида фермерларнинг режадан зиёд топширган пахта хомашёсидан олинадиган пахта ёғи, шрот ва кунжара тарқатадиган дўконлар ҳам ишга туширилгани уларга янада қулайликлар яратди.

Мутахассисларнинг фикрича, кўрилаётган чора-тадбирлар туфайли етиштирилаётган пахтанинг сифати ҳам яхшиланиб бормоқда. "Мустақиллик" пахта тозалаш корхонаси" акциядорлик жамиятида тола чиқиши режадаги 31,1 фоиз ўрнига 32 фоиздан ортиқни ташкил этгани, унинг сифати пишиқ, жаҳон андозалари талабларига жавоб бераётгани шундан далолат беради. Пировардида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг асосий қисми экспорт қилинмоқда.

Маълумки, Осиё Тараққиёт банки ўтган йилдан бошлаб республикамиздаги учта туманда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга имтиёзли кредит маблағлари ажратмоқда. Хусусан, ушбу хорижий молиявий муассасанинг "Дон экинлари ҳосилдорлигини ошириш" лойиҳасини амалга ошириш доирасида Қуйи Чирчиқ тумани ҳам танлаб олингани айни муддао бўлди. Бугунги кунда эса туманда қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлигининг мазкур лойиҳани амалга ошириш гуруҳи фаолият кўрсатмоқда. Бундан қандай наф кутилмоқда?

Жорий йилда хорижий молиявий муассасанинг маблағи ҳисобига 2,5 миллион АҚШ долларидан ортиқ маблағга "Клаас" русумидаги ўнлаб замонавий ғалла ўриш комбайнлари ва бошқа техника воситаларини олиб келиш кўзда тутилган. Бундай техникалар эса фермерлар, муқобил машина-трактор парклари ва Сувдан фойдаланувчилар уюшмалари фаолиятида қўл келиши, шубҳасиз.

Шунингдек, хорижий сармоя ҳисобига бу йил яна кўплаб техника воситаларини олиб келиш, улар ёрдамида 2 минг гектар майдоннинг ирригация-мелиорация ҳолатини яхшилаш мўлжалланмоқда.

Ўтган йили туманда қишлоқ хўжалигидан олинган фойданинг бир қисми ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилиб, 630 ўқувчига мўлжалланган иккита замонавий мактаб, қишлоқ врачлик пункти, спорт мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилган, 19,1 километр масофага табиий газ, 6,1 чақирим масофага ичимлик суви қувурлари тортилган экан, билингки, бундай объектлар сони жорий йилда янада кўпаяди.

Буни қалбан чуқур англаган фермерлар ҳозирда баҳорги юмушларни оби-тобида бажариб, бўлажак ҳосилга пухта замин яратмоқдалар.

Ҳосил КАРИМОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Устоз мартабаси

Нукус педагогика коллежида бир юз йигирмадан ортиқ ўқитувчи-мураббий бор. Талабалар сони 1200 нафардан зиёд. Бу даргоҳда етти мутахассислик бўйича ёш кадрлар тайёрланади.

Математика ўқитувчиси Давлатбой Сейтимов коллежнинг фидойи устозларидан. Унинг мазкур даргоҳда ўтаётган йигирма беш йиллик фаолияти бесамар кетмади. Меҳнати аввал ниш кўрсатди, бўй чўзди, гуллади ва ҳосил ҳам берди. Аниқроғи, ундан таҳсил олган шогирдлари ўзидан-да улуғроқ мартабаларга эришди. Чунки Давлатбой ога уларнинг қалбига, энг аввало, инсонийлик мартабасини жойлаган эди.

— Ёшларга таълим бериш ҳаётимнинг мазмунига айланиб қолган, — дейди Давлатбой ога. — Коллеж — иккинчи уйим. Ҳар куни эрталаб шу қутлуғ даргоҳ сари шошаман. Талабаларсиз ўтган умримни умр демайман. Уларни тинглаш, ҳамсуҳбат бўлиш, қизиқарли машғулотлар ўтказиш менинг ҳаётий хоббимга айланган. Айниқса, ёшларнинг камолини кўрсам, теримга сиғмай кетаман.

СУРАТДА: математика ўқитувчиси Давлатбой Сейтимов талабалар билан.

Бердиниёз АЛЛАШЕВ (ЎзА) олган сурат.

Банк тизими

Бухоро сафари мобайнида Халқ банкининг Ғиждувон филиалини бориб кўриш истаги туғилди. Биринчи суҳбатдошимиз ўзини мижоз Раҳмат Рўзиев, деб таништирди. У киши бу ердан ҳозиргина моддий ёрдам пулини олиб кетаётган экан. Биз ундан банк хизматида қандай муаммолар борлигини сўрадик. Маълум бўлишича, ёрдам пуллари ойма-ой ўз вақтида бериб борилаяпти, банкда мижозлар эҳтиёжини қондириш учун барча шарт-шароит муҳайё.

МИЖОЗЛАР МАНФААТИ — АСОСИЙ МЕЗОН

Ҳа, банк ходимлари бозор иқтисодиёти шароитида асосий куч-ғайратни мижозлар манфаати учун сарф қилишаяпти. Ҳозирда вилоятда Халқ банкининг 32 та туман (шаҳар) филиали ва мини-банклари, 20 та махсус касса ва 18 та валюта айирбошлаш шохобчаси мижозларга хизмат кўрсатиб келмоқда.

Хизмат кўрсатиш даражаси қандайлигини ифодаловчи баъзи кўрсаткичларга эътибор қилайлик. Амалга оширилган тадбирлар натижасида банк активлари ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 35 фоизга ортиб, 2006 йил 1 апрель ҳолатига 7 млрд. сўмга яқин миқдорни ташкил этди. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларига асосан коммунал тўловларни қабул қилишда яратилган қулайликлар туфайли қўшимча равишда аҳоли гавжум жойларда 20 та махсус касса очилди. Бунинг натижасида 2006 йилнинг биринчи чораги давомида истеъмолчилардан 1,5 млрд. сўм фойдаланилган газ, сув, электр энергия, солиқ ва бошқа тўловлар қабул қилинди.

Шунингдек, вилоят филиаллари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 595-сонли қарори ижроси бўйича 280 мингдан ортиқ фуқаро жамғариб бориладиган пенсия тизимига аъзо бўлган. 2006 йилнинг 1 апрель ҳолатига уларнинг ҳисобварақларига 1,5 млрд. сўмга яқин миқдорда пенсия бадаллари келиб тушди. Ҳозирда банк филиаллари томонидан ҳисобварақ эгаларига тизим бўйича белгиланган тартибда хизмат кўрсатилмоқда.

Мижозларга 20 га яқин омонат турларининг таклиф этилиши дуруст самара бермоқда. Албатта, айтадиган фикрнинг исботи бўлиши зарур. Биз ана шунга амал қилдик. Аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини банк оборотига жалб қилиш тўғри ташкил этилганлиги натижасида 2006 йилнинг 1 апрель ҳолатига банкнинг вилоят филиалларидаги аҳоли омонатларининг қолдиғи 4 млрд. сўмга яқин миқдорни ташкил этибди. Демак, бир йил давомида бу кўрсаткич 1 млрд. сўмга ошган.

Пулнинг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш борасида қилинган саъй-ҳаракатлар натижасида ўтган биринчи чорак давомида банк кассаларига жами 3,5 млрд. сўм нақд пул жалб қилинган ҳамда бу сармоя ижтимоий тўловлар ва мижозларнинг нақд пулдаги қонуний талабини ўз вақтида бажарилишига йўналтирилган.

Вазирлар Маҳкамасининг "Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ҳозирда савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарида 52 та савдо терминаллар ўрнатилиб, муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони 4000 дан зиёдни ташкил этди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилаётган амалий ёрдам микрокредитлар ажратиш мисолида яққол намоён бўлаётир. Банкнинг вилоятдаги филиалларида 2006 йилнинг 1 апрель ҳолатига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми қарийб 3 млрд. сўмни ташкил қилади.

Молиявий муассаса мижозлари бўлган 1000 га яқин пахта ва ғалла етиштирувчи фермер хўжаликларига Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 7 ноябрдаги "Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни маблағ билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 383-сонли қарорига асосан 1,5 млрд.сўм имтиёзли кредитлар ажратилган.

Ҳукуматимизнинг 2001 йил 22 июндаги "Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори банк ва унинг мижозлари ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни мустаҳкамлашга асос бўлган бўлса, мамлакатимиз Президентининг 2005 йил 5 августдаги "Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида"ги 147- сонли Қарори банкларнинг ўз мижозлари олдидаги мажбуриятини тўлиқ бажаришдаги масъулиятини янада оширди.

Мижозларга кўрсатилаётган хизмат савиясини янада ошириш мақсадида барча филиалларда "Ишонч телефонлари" ишлаши йўлга қўйилди. "Ишонч телефонлари"нинг тадбиқ этилиши бир томондан мижозларга банк операциялари билан боғлиқ муносабатлардаги айрим тўсиқларни зудлик билан ҳал этилишига имкон яратса, иккинчи томондан, банк ходимларининг маъсулиятини янада оширади. Банкнинг барча бўлимларида "Ишонч телефонлари" рўйхати қулай ва кўринарли жойларда осиб қўйилган. Ўз навбатида мижозларнинг "Ишонч телефонлари" орқали қилган мурожаатлари, таклиф ва талаблари махсус журналларда расмийлаштирилиб борилаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун банкнинг мижозлари, яъни тадбиркорлар билан учрашдик. Бухоро шаҳри, А.Жомий кўчасида яшовчи Маннон Тўхтаев ўз вақтида "Ишонч телефони"га қўнғироқ қилиб янги фермер хўжалиги ташкил этаётгани ва ҳисоб варағи очиш учун банкдан тўлиқ маълумот олганини айтган бўлса, Олот тумани собиқ "Шарқ юлдузи" ширкат хўжалигининг Чандир қишлоғида яшовчи мижоз Аҳмад Жумаев "Нега ушбу банкни танладингиз?" деган саволимизга "Бу ерда кўрсатилаётган хизмат мени қониқтиради" дея жавоб берди.

Очиғини айтиш керак, ҳеч бир тижорат банки бирор-бир тадбиркорни мажбуран "Бизга мижоз бўлинг" деб айта олмайди. Ҳозирда банкда ҳисоб рақамини очаётган тадбиркор етти ўлчаб бир кесади. Айни кунда Бухоро вилоят Халқ банки филиаллари мижозлар, айниқса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари орасида ўз ишончини қозонган. Айни пайтда 3000 дан зиёд тадбиркорлик субъектлари банк мижозлари ҳисобланади. Ўғли ёки қизи ўқишга кирган фуқаро (келинг, контракт асосида дейлик) Халқ банкига мурожаат қилади. Зеро, бу банкни "Оила" банки деб айтишлари бежиз эмас.

Бугунги кунда Халқ банки тизимида амалга оширилаётган ишлардан фуқаролар мамнун. Айниқса, кейинги ойларда кам таъминланган оилалар, нафақахўрлар, тадбиркорлар нақд пулларини ўз вақтида муаммоларсиз олаётгани фикримизнинг исботидир.

Вилоятдаги банклар орасида рақобат кучайган бир пайтда бундай ютуқларга эришишнинг ўзи бўлмайди. Қисқа қилиб айтадиган бўлсак, бундай ютуқ ва муваффақиятларга ишнинг тўғри ташкил қилинганлиги ва жамоа ходимлари томонидан давр қўяётган талабларнинг тўғри тушунилганлиги, тинимсиз меҳнат ҳамда изланиш орқали эришилганлиги омил бўлмоқда.

Баҳодир ФАЙЗИЕВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Хушхабар

Абдумалик яна биринчи

Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг матбуот хизмати хабар қилади:

Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат академик катта опера ва балет театрининг ноёб овозли ёш хонандаси, республика «Ниҳол» мукофоти соҳиби Абдумалик Абдуқаюмов ўтган йили учта халқаро кўрик-танловнинг бош мукофоти (Гран-при)га сазовор бўлган эди.

Бу йил ҳам санъаткор учун муваффақиятли кечмоқда. Куни кеча Россиянинг Владикавказ шаҳридан қувончли хабар келди. Опера ижрочиларининг у ерда уюштирилган Павел Лисициан номидаги иккинчи халқаро танловида Абдумалик жаҳоннинг жуда кўп мамлакатларидан вакиллар иштирок этган нуфузли ижодий мусобақада биринчи ўринни эгаллади. Танлов ҳайъати юртдошимизни диплом ва пул мукофоти билан тақдирлади.

СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ (СПП) VINLAD
ADI International
Vinlad
Сделаем жизнь спокойнее!
Вид деятельности – проектирование, производство, внедрение, гарантийное и сервисное обслуживание комплексных систем безопасности для объекта любого масштаба, выбор, тестирование, поставка оборудования для разнообразных решений безопасности.
Системы контроля доступа
Устройства печати на пластиковых картах
DatacardGroup
SECURE ID AND CARD PERSONALIZATION SOLUTIONS
ул. Дружбы народов, 44.
Тел. 367-97-14/15. Факс 367-00-68.
E-mail: vinlad@sarkor.uz
Web-site:www.vinlad.com
ISO 9001: 2000
Лицензия МВД РО «Охрана» № 103,
лицензия МВД УПО № 29/2-2-97,
лицензия КМ № 000390 (проектирование).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 16 ноябрдаги 542-сонли қарорига асосан
«ЎЗБЕКТЎҚИМАШ»
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ
тугатилиши муносабати билан «Ўзбектўқимаш» тугатиш бошқаруви уч қаватли бино (магазин омбори) негизида инвестиция мажбуриятларини олган ҳолда тўқимачилик машиналарига эҳтиёт қисмлар, узеллар, бутловчи қисмлар, асбоб-ускуналар, шунингдек, тўқимачилик ва трикотаж буюмлари ҳамда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи, турли хил хизматлар кўрсатувчи экологик жиҳатдан тоза бўлган корхона ташкил этиш бўйича
қайта тендер савдолари ўтказилишини эълон қилади.
Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кун ичида тугатиш комиссияси номига тақдим этилиши лозим:
• тендер иштирокчиси тўғрисидаги тўлиқ маълумотлар;
• инвестиция ва сотиб олиш таклифлари (бизнес-режа).
Объект бўйича маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали олиш мумкин: 363-50-94, 363-50-93. Факс: 362-46-11.
Мурожаат учун манзил: 700100, Тошкент ш., Яккасарой тумани, Усмон Носир кўчаси, 53-«б» уй. Мўлжал — «Аския» бозори.
ТУГАТИШ БОШҚАРУВИ.



Ҳафтанинг ҳар жума кунида

Самарқанд вилоят халқ таълими бошқармаси раҳбарияти ҳафтанинг ҳар жума кунида вилоятдаги журналистлар билан учрашиш, уларни Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлардан хабардор қилиб боришга қарор қилди.

Ана шундай анжуманнинг дастлабкиси вилоят матбуот марказида ташкил этилди. Унда вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Маҳмуд Бобоёров журналистларга вилоятда халқ таълими соҳасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан ахборот берди.

Шу куни халқ таълими ходимлари журналистлар билан биргаликда Самарқанд шаҳри ва Самарқанд туманидаги бир неча мактаблар фаолияти, уларда амалга оширилаётган ишлар билан танишдилар.

А. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

... Бу олим кунчиқар мамлакатда 150 кун яшаган. Илк бор касб тақозоси туфайли Японияга ташриф буюрганида ҳар қадамда ҳайратга солган мўъжизаларни ён дафтарига қайд этиб боришга ахд қилади. Бу юртнинг табиат гўзалликлари-ю, одамларининг уддабурон ва меҳнатсеварлигидан таъсирланади. Бу ерликларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатига синчковлик ва қизиқиш билан разм солади, ибратли одатларидан хулоса чиқаради... Шу тариқа энтикиб ўқишга арзигулик китоб дунёга келди ва у "Японлар. Кимлар улар?" деб номланди.

Японияга ўзбекона нигоҳ

Китоб муаллифи таниқли қадимшунос олим Баҳодир Турғунов Японияннинг Осака шаҳрида жойлашган музей ҳақидаги таассуротларидан бирида шундай дейди: "Мени музей залидаги Ўзбекистондан олиб борилган Кўқон арава ҳайратга солди. Гўё Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари кўчириб келтирилгандай: хонадаги токчалар, сандиқ, хонтахта, хон атлас пардалар, тандир, ўчоқ-қозон, бешик, хуллас ўзбекнинг уйига кириб қолгандек бўласиз. Японлар эса кўргазмани томоша қилиб ўзларини худди Ўзбекистонга бориб қолгандек ҳис қиладилар".

Муаллиф ўз асарида юртимиз тарихи ва урф-одатларимизнинг исталган қадим мамлакат анъаналари-ю, ёдгорликлари билан бўйлаша олиши билан фахрланади. Айни чоғда, ҳеч қандай табиий бойликлари бўлмаса-да, фақат ўзининг ақл-заковатига таяниб, дунёнинг энг ривожланган давлати мақомига эришган япон халқидан тадбиркорликни ўрганишга ундайди сизни.

— Бир куни, — дейди муаллиф, — магазинга келтирилган қутиларга жойлаштирилган техникани полга юқоридан туриб ташлаётганларини кўриб қолдим. Воажаб, бу телевизор, видеоаппаратуралар синиб, ишдан чиқиши мумкин-ку, ахир, деб ўйладим. Билсам, аксинча, бу ҳаракат маҳсулот сифатини текширишнинг "японча" усули экан.

Рисола шу каби қизиқ воқеалар, мафтункор табиат манзаралари, ўз юртимизга солиштирилган урф-одатлар ҳақидаги таассуротларга бой. Уни ўқиш асосида бу гўзал мамлакатда саёҳат қилаётгандек бўласиз. "Япон лаҳмони", "Ниигата — Японияннинг ғарбий дарвозаси", "Сув устидаги музей", "Япон байрамлари", "Ўзбек палови япон ресторанида", "Японларнинг қадимий уйлари" каби боблар асарнинг ҳам илмий, ҳам бадиий қимматини оширган.

Япония ҳақида янада чуқурроқ билишни истасангиз, китоб билан танишиб чиқасиз, деган умиддамиз. Зеро, японларнинг қадимий шаҳарлари, археология обидалари, замонавий иншоотлари, мўъжизакор техникаси ҳақида ўқиб, бу мамлакатга бориш орзуингиз қатъий мақсадга айланса ажаб эмас.

Муборак ОХУНОВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

Саховатли одам бой бўлса, ўзини ҳам бойитади, эл-юртни ҳам. Сўнгги йилларда норинлик фермерлар қилаётган ишларини кўрган киши бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилади. Ҳомийлар ва шифокорлар йилида улар қишлоқ аҳолиси учун ажойиб туҳфа тайёрладилар. Уларнинг ташаббуслари билан тумандаги собиқ "Тошкент" ширкат хўжалиги маъмурий биноси замонавий шифохонага айлантирилди. Физиотерапиядан тортиб лабораториясигача мавжуд бўлган ушбу шифо маскани тўрт мингдан зиёд аҳолининг бир неча чақирим йўл босиб туман марказига қатнашларидан халос этди. Шунингдек, бу ерда тўрт ўринли кундузги стационар ҳам очилди. Қишлоқ аҳли беморларнинг узоғини яқин, муҳтожлигини осон қилган фермерлардан миннатдор. Ўндан зиёд малакали шифокорлар беморлар хизматида.

***СУРАТЛАРДА:** ҳамшира Шаҳзода Алишерова; фермерлар Рустам Эгамбердиев ва Фозилжон Одиловлар шифокорлар билан.*

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

ИИВ матбуот хизмати хабар қилади

Қум ичидаги ўлжа

Олмалиқ кон-металлургия комбинати ишчиси Ш. шу ҳудудни қўриқловчи ички ишлар ходимлари томонидан ушланди. У 36 кг.45 гр. миқдордаги таркибида қимматбаҳо металл бор қумни ўғирлаб кетаётган эди.

Қувуртешарнинг қилмиши

Андижон вилоятининг Жалолқудуқ туманида яшовчи 37 ёшли Илҳом йўл четидан ўтган нефть қувурини тешиб, 720 литр нефтни полиэтилен қопга қуйиб, ўзининг «ВАЗ21011» русумли автомашинасига юклаётган вақтида ИИБ ходимлари томонидан ушланди.

Қудуқ қаъридаги жасад

Бахмаллик А. Холмуродовнинг қаровсиз қолган ҳовлисидаги қудуқ ичидан 2 та полиэтилен қопга солинган номаълум эркак кишининг қўл ва оёқлари танасидан ажратилган жасади топилди. Текширув жараёнида марҳум Самарқанд вилоятининг Ургут тумани Испанза қишлоғида яшаган, 1957 йилда туғилган Очил Маматқулов экани аниқланди.

Кейинги тергов ҳаракатлари натижасида ушбу жиноятни Йўлдош исмли шахс содир этгани маълум бўлди. У гумондор сифатида қўлга олинди.

Кўрққанга қўша кўринар

Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов туманида яшовчи Анвар уйида маст ҳолатда ҳеч бир сабабсиз ўнг қўли томирини кесиб юборди. Унинг ёнидаги меҳмон — чилонзорлик Олег эса ўзини йўқотиб қўйиб, уй балконидан ўзини пастга ташлади.

Анвар руҳий касалхонага, Олег шаҳар шифохонасига ётқизилди.

Гат-гат қилган карнайчи...

Олмалиқ шаҳридаги «8 Март» кўчасида жойлашган икки қаватли уйда соат 03 дан 30 дақиқа ўтганда ёнғин чиқди. Ёнғин бартараф этилгач, шу уйнинг 8-хонасида истиқомат қилувчи Е. Колесникова хонадонида меҳмон бўлган Р. Ополелованинг қўйган жасади топилди.

Суриштирув натижасида ёнғин сабаби аниқланди: шу уйнинг 1-хонадонида яшовчи Руслан турмуш ўртоғи билан жанжаллашиб қолиб, жаҳл устида ўт қўйиб юборган экан.

Исмоил МИНОВАРОВ,
ИИВ матбуот маркази ходими.

DELTA·BI EX
UZBEK EXHIBITION COMPANY
ЗАЩИТА И СПАСЕНИЕ · 2006
МЕЖДУНАРОДНАЯ ЦЕНТРАЛЬНОАЗИАТСКАЯ ВЫСТАВКА
ОФИЦИАЛЬНАЯ ПОДДЕРЖКА
Государственное предприятие "UZMAKHSUSIMPEX"
26-28 сентября 2006 года
Тел. (99897) 330-48-00.
Факс (99871) 144-16-87.
E-mail: delta@uzpak.uz
МЕСТО ПРОВЕДЕНИЯ: ТПК "НАВРУЗ"
* технические средства обеспечения безопасности,
* антитеррористическое оборудование,
* средства защиты информации, * спасения при ЧС и пожарной охраны,
* обеспечения банковской и промышленной безопасности.
Бизнес-партнеры: infoCOM.UZ
ООО "NOVITA-EDMG"

UzDAEWOO BANK
is seeking qualified candidates to fill the position of
Chief Accountant
Interested candidates should possess the following qualifications:
1. Higher education in Accounting or related field;
2. Minimum 5 years experience in a bank accounting system at a responsible position;
3. Good command of spoken and written English;
4. Good knowledge of accounting software;
5. Good interpersonal and communicational skills.
To apply please send your current resume in English with personal photo via e-mail to assistant@daewoobank.com, or by fax: 132-08-00.

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

Тошкент вилояти, Ангрен шаҳрида жойлашган «САТСО» МЧЖ шаклидаги ҚК, ОКПО бўйича коди — 18651554, тугатилади.
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой мобайнида қуйидаги телефонлар: 2-66-51, 3-49-23
ёки Ангрен шаҳри, Гулбоғ қўрғони манзили бўйича қабул қилинади.

DM DEMIR Тел.: 68-26-59, 184-83-25, 184-83-26.
Тел./факс 68-17-11.
E-mail: siruba@dmrgroup.com.tr mac_erdogan@yahoo.com
ШВЕЙНЫЕ МАШИНЫ ВСЕХ ТИПОВ и др. ТЕКСТИЛЬНОЕ ОБОРУДОВАНИЕ
SIRUBA
INDUSTRIAL SEWING MACHINE
ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН
г. Ташкент, ул. Паркентская, 51.

РОССИЯНИНГ "НАРА" ВА ЖАНУБИЙ КОРЕЯНИНГ "SOMO" ЗАВОДЛАРИ РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТЕРИ
ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАДАН ЁНИЛҒИ ҚУЙИШ МОСЛАМА (БЕНЗОКОЛОНКА)ЛАРИНИ СОТАДИ.
Мосламалар сифати сертификатланган ва тўлиқ кафолатланади.
Малакали мутахассислар томонидан ўрнатиб бериш таъминланади.
Тел: (99871) 144-28-44, 144-28-11, 144-28-33, 189-65-53.

Ҳурматли юртдошлар!
Давлат акциядорлик тижорат «АСАКА» банки
Сизларга ПЛАСТИК КАРТОЧКА – замонавий банк хизматларидан фойдаланишни таклиф этади!
«АСАКА» БАНКИНИНГ ПЛАСТИК КАРТОЧКАСИ — БУ:
- Маҳсулот ва хизматлар учун тўлаш қулай бўлган самарали восита.
- Автокредитларга тез ва осон пул тўлаш.
- Ҳар ойда даромад тўлаш йиллик 16%.
- Карточка йўқолган ёки ўғирланган тақдирда Сиз пулингизни йўқотмайсиз.
- Харажатларингизни сарҳисоб қилиш жуда осон ва қулай.
- Барча турдаги карточкаларда суғурта қилиш кўзда тутилган.
ASAKA BANK
ASAKA BANKI
9860 8202 0000 00000
Mr. Cardholder
БУНДАН ТАШҚАРИ, «АСАКА» БАНКИ МУДДАТЛИ ОМОНАТЛАРНИ МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА ТАКЛИФ ЭТАДИ:
Миллий валютадаги омонатлар
6 ойдан 1 йилгача ..... 22% йиллик
1 йилдан 3 йилгача ..... 22% йиллик
3 йилдан 5 йилгача ..... 22% йиллик
"Юбилейный" (камида 6 ой) ..... 22% йиллик
"Орзу" (камида 3 ой) ..... 22% йиллик
"Наврўз" (2 ойга) ..... 22% йиллик
"Табассум" (45 кунга) ..... 22% йиллик
"Умид" (камида 3 ой) ..... 22% йиллик
"Тақдим этувчига" (камида 3 ой) ..... 22% йиллик
Хорижий валютадаги омонатлар
АҚШ доллар
1 йилгача
300 АҚШ долл. дан 1000 АҚШ долл. гача ..... 5,5% йиллик
1000 АҚШ долл. дан 5000 АҚШ долл. гача ..... 6,5% йиллик
5000 АҚШ долл. дан юқори ..... 7% йиллик
ЕВРО
1 йилгача ..... 3% йиллик
1 йилдан юқори
1000 ЕВРО дан 5000 ЕВРО гача ..... 4% йиллик
5000 ЕВРО дан юқори ..... 4,5% йиллик
Маълумот учун тел.: 120-83-77, 120-39-18, 144-56-55, 125-50-26
БАНКДАГИ БАРЧА ОМОНАТЛАРИНГИЗ ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ

Шаҳар марказида жойлашган «ФЕСТИВАЛЬ» РЕСТОРАНИ қуйидаги тадбирларни ўтказиш учун буюртмалар қабул қилади:
* никоҳ кечалари;
* наҳорги ош;
* банкетлар;
* комплекс тушликлар.
Пул тўлаш — сиз истаган шаклда.
Тошкент ш., «Ўзбекистон» к., 98-«А» уй.
Тел.: 144-26-22, 395-81-23.
Мўлжал: Кинючилар уйи.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги жамоаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Сайфиддин Исмоиловга акаси
Солижон АБДИЕВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия ва ҳамдардлик билдиради.

«Ўзбекэнерго» ДАК «Ўзэлектртармоқ» УК жамоаси бош директор ўринбосари Одилжон Дониёровга турмуш ўртоғи
Фотима ДОНИЁРОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 657. 28692 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшид Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев.
Навбатчи — Ҳ. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — Топширилди — 12345